

Футболчи Патрис Эвранинг Исломга муносабати



17:05 / 26.10.2019 3697

«Манчестер Юнайтед» клубининг собиқ ўйинчиси, Католик Христиан динининг издоши Патрис Эвра ўз интервьюсида отасига Исломнинг гўзаллиги ҳақида гапирганида унинг ғазабланганини айтди. Бу ҳақда «TheNews» газетасига таяниб, iqna сайти хабар берди.

У ўз интервьюсида шундай дейди: «Ислом гўзал диндир. Менинг отам бу гапни айтаётганимни билгач, мендан ғазабланди. Отам Католик, лекин мен ўзимдан ота-онам ва дўстларимнинг хоҳишларига қарши чиқаман. Такрор айтаман: Ислом - бу тинчлик таълимоти ва инсонларни бир-бирларига ёрдам бериш тўғрисидаги ажойиб диндир. Бугунги кунда Исломга қарши берилаётган оммавий ахборот воситаларидаги маълумотларга эътибор бермаслик керак. Худо бизни бегуноҳларни ўлдириш учун яратмаган. Ҳар қандай динни ҳурмат қилинг! Агар бирор-бир диндан қўрқсангиз, қўрқув ўрнига, ҳукм қилишдан олдин уни тинглашга ҳаракат қилинг. Бу фақат менинг фикрим ва албатта, дунё чиройли сўзларга муҳтож эмас, балки ҳаракатларга эҳтиёжи бор».

Ислом ҳақидаги маълумотларни машҳур футболчи Патрис Эвра биринчи марта мадҳ этаётгани йўқ. 2017 йил Испаниянинг Барселонасида содир бўлган ҳужумлардан кейин одамлар мусулмонларни танқид қилишган эди. У Исломни ажойиб дин деб атади ва Қуръони каримни ўқиган

фотосуратлари билан ўртоқлашди.

Шунингдек, у ирқчиликни қоралаб, дунёда ўз ўрнига эга эмаслигини таъкидлади. Унинг сўзларига кўра, футбол дунёдаги ирқчиликни йўқ қилишга ёрдам беради. Одамлар ўз фарзандларига ирқчи бўлмасликни ўргатишлари лозим. Агар фарзанднинг ота-онаси ирқчи бўлса, бу бола келажакда қандай бўлади?

Islom.uz портали таҳририяти